

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАҲШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Бахранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ҲЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O’RNI.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Қахрамон Алманов,
Гулистон давлат университети
Тарих кафедраси ўқитувчиси
almanov20111988@gmail.com

ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ

For citation: Qahramon Almanov. COINS OF EARLY MEDIEVAL DESTRUCTED. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp. 29-38

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Марказий Осиё ҳудудида шаклланган тарихий маданий ўлка – Уструшонанинг илк ўрта асрлардаги тангалари хусусида фикр мулоҳазаларини тарихий манбаларга асосланган ҳолда ёритиб, баъзи хулосаларни бериб ўтган. Ушбу хулосаларга таяниб биз бу ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

Калит сўзлар: Уструш она, танга, иконография, нумизматика, Чирдмиш, Раханч, Сатачари, идеограмма, Мингтепа, Ширинсой, ихшид.

Қахрамон Алманов,
преподаватель

Гулистанского государственного университета,
almanov20111988@gmail.com

МОНЕТЫ РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОЙ УСТРУШАНЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор делает некоторые выводы на основе исторических источников, комментируя виды первых средневековых монет Уструшны, историко-культурной страны, сформировавшейся в Средней Азии. Основываясь на этих выводах, мы можем получить важную информацию о политической, экономической и культурной жизни этой страны.

Ключевые слова: Уструшана, монета, иконография, нумизматика, Чирдмиш, Раханч, Сатачари, идеограмма, Мингтепа, Ширинсай, ихшид.

Qahramon Almanov,
Teacher, Gulistan state of university,
almanov20111988@gmail.com

COINS OF EARLY MEDIEVAL DESTRUCTED

ABSTRACT

In this article, the author draws some conclusions based on historical sources, commenting on the types of the first medieval coins of Ustrushana, a historical and cultural country that formed in Central Asia. Based on these findings, we can obtain important information about the political, economic and cultural life of this country.

Index Terms: Ustrushana, coins, iconography, numismatics, Chirdmish, Rahanch, Satachari, ideogram, Mingteppa, Shirinsay, ikhshid.

1. Долзарблиги:

Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга қўшни ҳудудлардаги Чоч, Ўттор, Фарғона, Уструшона, Суғд (асосан Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб), Тўхористон (Чағониён, Термиз, Хуттал, Кобадийён ва б.), Хоразм каби воҳа ҳукмдорликларининг қарийб барчасида танга зарбининг йўлга қўйилиши нафақат иқтисодий зарурият билангина боғлиқ бўлмай, балки ҳамма даврларда бўлгани каби пул зарб қилиш маълум маънода давлат мустақиллигини ҳам ифодалаган.

Илк ўрта асрларда ҳар бири алоҳида танга зарбига эга Чоч, Фарғона ва Суғднинг қўшниси сифатида Уструшона ўзининг маҳаллий танга-пул тизимини йўлга қўяди[1]. Уструшонада танга зарб қилдириш ҳам Суғд ва Чочдан анча кеч бошланган бўлиб, милодий VI–VII асрларга тўғри келади. Буни Уструшона тангалари топилган маданий қатламлар ҳамда тангаларнинг ясаиш техникаси ва иконографик хусусиятлари кўрсатиб турибди. Воҳа тангаларини биринчилардан бўлиб ўрганган нумизмат ва археолог олимлар шундай фикрга келишган. Ҳолбуки, Уструшонага жануб ва жануби-ғарбдан қўшни Суғд воҳасида, хусусан, Самарқандда танга зарби анъанаси милод бошларига бориб тақалса, воҳанинг шимолий қўшниси Чочда милодий III – IV асрларда танга бостириш йўлга қўйилган эди[2]. Шу жиҳати билан Уструшона яқин қўшниларидан бири Фарғонага ўхшаб кетади. Табиий-географик жойлашуви, табиати ва у билан боғлиқ ҳўжалик ҳаёти деярли бир хил бўлган Суғд, Чоч, Фарғона ва Уструшона орасида танга зарбидаги бундай фарқ бири неча омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар орасида сиёсий ва иқтисодий омиллар етакчилик қилади.

Суғднинг нисбатан аввалроқ танга-пул тизимига ўтиши аввало унинг Амударё – Сирдарё оралиғидаги тарихий-географик вилоятларга нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирмунча устуворлик қилиши билан боғлиқ эди. Иккинчи томондан эса Суғднинг товар айирбошлаш воситаси ва ҳокимият тимсоли сифатида бошқа воҳа ҳукмдорликларига қараганда анча эртароқ бошлаган Юнон-Бақтрия давлати (м.олд. IV-II асрлар) билан яқин қўшничилиги ётарди. Ўз навбатида қадимги Бақтрия Ўрта Осиёнинг илк маҳаллий тангалари бостирилган ҳудуд сифатида билиниб, бу масалада унга жануби-шарқдан Ҳиндистон ва жануби-ғарбдан Эроннинг таъсири бор эди. Ҳиндистон ва Эрон эса анча қадимдан ўз тангаларини зарб қилдирган ва шу жиҳатдан ҳам яқин қўшниларига таъсир қилган қадимий маданий-иқтисодий марказлар эди. Демак, бир томондан юнон, иккинчи томондан ҳинд-эрон таъсирида ўз тангаларини бостирган Бақтрия таъсирида дастлаб Суғд (Самарқанд, Кеш) ва Бухоро, кейинчалик Хоразм, бирмунча кейин эса Чоч ўз тангаларини зарб қилдира бошлайди[3]. Ушбу ҳукмдорликлардан анча кеч ўз танга зарбини йўлган қўйган бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби Уструшона ҳам афтидан ушбу ҳукмдорликлар таъсирида ўз танга-пуллари зарб қилдиргунча товар айирбошлашни ё натурал шаклда, ё бўлмаса қўшни ҳукмдорликлар тангаларидан фойдаланган ҳолда олиб борган кўринади. Шунингдек, иқтисодий муносабатларда асосий воситачи бўлган танга зарб қилдиришнинг бирмунча кеч бошланишига Уструшона воҳасининг сиёсий жиҳатдан дастлабки пайтларда қўшниларига нисбатан анча тарқоқ ва асосан тоғлиқ ҳудудда жойлашганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказган кўринади. Бу ҳолат унинг сиёсий ҳаётида ҳам кўзга ташланиб, илк ўрта асрлардан бирмунча асрлар олдин Чоч Қанғ давлатининг таянч ҳудуди бўлиши, Суғд, хусусан, Самарқанд 9 та тармоққа бўлинган Чжаову сулолалари ичида етакчи бўлиши ҳам танга зарбида муҳим рол ўйнаган кўринади. Қачонки, Уструшона сиёсий мавқеи юқорилаган пайтда ўз тангаларини зарб қилдира бошлаганини шу омил билан изоҳлаш мумкин.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда илк ўрта асрлар давридаги Уструшона тангаларининг Марказий Осиё халқлари иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва тарихий аҳамияти кўрсатилган. Исломдан олдинги суғдий ёзуви Уструшона тангаларининг тескари томонида  кўринишидаги тамға ва унинг икки ёнида оромийча идеограмма MR'Y билан бирга “Чирдмиш”, “Раханч”, “Сатачари” каби 3 та ҳукмдор исми учраб[4], кўпчилик тадқиқотчилар ушбу идеограммани маҳаллий “афшин” унвони билан тенглаштирадilar. Ўша давр Суғд (Панч), Хоразм тангаларида ҳам MR'Y идеограммаси учраб, Панч ҳукмдорлигида у “афшин” унвонини, Хоразм ҳукмдорлигида эса “Хоразмшоҳ” унвонини ифодалаган, деб ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Хоразм тангаларида ушбу идеограмма MLK' идеограммаси билан бирга MR'Y MLK' шаклида келади. Шунингдек, айнан қайси ҳукмдорлик томонидан зарб қилинган тўлақонли аниқланмаган бир томонида ҳукмдор ва малика тасвири, орқа томонида эса “хотун” унвон ўрин олган қадимги турк тангаларида ҳам MR'Y унвони ўрин олган[5]. О.И. Смирнова томонидан ... MRWY βcs' γ'twnh “... подшо хотун”[6], Ғ. Бобоёров томонидан эса MR'Y pncu nn x'twnh “Панч ҳукмдори Нана Хотун” ва “Панч подшоси (ва) Нана Хотун” ўқилган ушбу тангалар асосан Самарқанд вилояти ва атрофларидаги шаҳар харобаларидаги VII – VIII асрларга оид маданий қатламлардан топилиб, айрим изланувчиларга кўра Самарқанд ҳукмдорларига, айримларга кўра эса Панч ҳукмдорлигига тегишлидир. “Хотун” унвонли ушбу тангаларда Самарқанд тангаларига хос  ва Панч тангаларига хос тамғалардан  ( , ) бутунлай фарқли  кўринишидаги тамғанинг ўрин олиши масалани чигаллаштиради. Шунингдек, бу турдаги тангалар Афросиёб, Кофирқалъа каби Самарқанд, Панжикент, Кулдортёпа каби Панч ҳукмдорлиги билан боғлиқ шаҳар қолдиқларидан эмас, Самарқанд вилоятининг Жиззах вилоятига туташ шимолий ҳудудларидаги ёдгорликлар – Мингтепа (Булунғур) ва унга яқин жойлашган ёдгорликлардан кўпроқ топилаётгани “хотун” унвонли тангаларнинг айнан қайси ҳукмдорликка тегишли экани масаласини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Эҳтимол, бу тангалар Кабудон ҳукмдорлиги Уструшонага қўшиб олинган палла – VII асрнинг охири – VIII асрнинг бошларида Уструшона афшинлари томонидан бостирилган бўлиши ҳам мумкин.

Уструшона тангаларининг бошқа воҳа ҳукмдорликларникидан тафовут қиладиган жиҳати, уларда ўрин олган ҳукмдор тасвири ўзига хос қиёфада, фарқли бош кийимида (тож?) тасвирланишидир. Шунингдек, минтақанинг бу давр тангаларидан фақатгина Уструшона тангаларида фил тасвири учрайди. Гарчи, бу даврда зарб қилинган  шаклдаги тамғали тангаларда суғдий ёзувда Раханч, Чирдмиш, Сатачари каби ҳукмдор номлари учраса ҳам[7], улардан биронтаси ёзма манбаларда акс этган Уструшона ҳукмдорлари исmlарига тўғри келмайди. Яъни, тангаларда жой олган мазкур исmlардан ҳеч қайсиси шу пайтгача ёзма манбаларда учратилмади.

Уструшона тангаларида ҳукмдор номи билан бирга оромийча гетерограммада MR'Y унвонининг учраши диққатга сазовордир. Чунончи, бу даврда ушбу унвон фақат Панч ва Хоразм тангаларида кўринади[8]. Кези келганда айтиб ўтиш зарур, бу тип тангаларда уларнинг зарб қилинган жойи ёки қайси ҳукмдорликка оид эканига доир бирор ишора учрамаса ҳам, тадқиқотчилар асосан тангаларнинг мазкур тарихий вилоят ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар харобаларидан топилишидан келиб чиқиб уларни “Уструшона тангалари” деб атаб келардилар. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида бу тангаларнинг янги бир типи аниқланиб, ундаги жумлалар нумизмат Ғ. Бобоёров томонидан sttcry 'wstwršnc MR'Y... – “Уструшона ҳукмдори... Сатачари” шаклида ўқилди (қаранг 4- танга)[9]. Бу эса ушбу тангалар гуруҳининг айнан Уструшона ҳукмдорлигига тегишли эканини кўрсатди. Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазишмалар пайтида яна бир қатор янги нусхадаги Уструшона тангалари аниқланган бўлиб, уларнинг айримларидаги суғдий ёзувлар тўлақонли ўқилганича йўқ.

Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар асосан бир хил бўлиб (℥), кичик фарқлар тангани зарб қилдирган ҳукмдор билан боғлиқ равишда учрай бошлайди. Шу ўринда бошқа айрим ҳукмдорликлар тангаларида бўлгани каби Уструшона тангаларида ҳам асосий тамғага қўшимча белги улангани кўзга ташланади. Масалан, куйида кўриниб турганидек Раханч номли ҳукмдор тангаларида айнан асосий тамға сақланган бўлса (қаранг 1- танга) Чирдмиш тангаларида тамғанинг тепа учлари чап томонга қайрилган ҳолатдаги кўринишни олади - ℥ (қаранг 2- танга).



Раханч тангаларининг айрим типларида эса христианлик символи бўлмиш хоч ўрин олиши билан бирга асосий тамға шаклида ҳам ўзгаришлар бўлгани тамғанинг чапга қайрилган пастки қисмига яна шунга ўхшаш қўшимча белги бириктирилгани пайқалади - ℥ (қаранг 3- танга)[10]. Бундай ҳолат Уструшонага қўшни Самарқанднинг Ихшидлар даври тангаларида ва Панч ҳукмдорлиги тангаларида яққол сезилади.

Сатачари тангаларида эса асосий тамға ва унинг тепа учлари ўнгга қайрилган варианты акс этган тамға ёнма-ён жой олганлиги кўзга ташланиб (℥ ℥)[11], бу эса ушбу тамғаларнинг алоҳида-алоҳида рамзий белгилар бўлганидан дарак беради. Куйида улардан намуналар келтирамиз:



Шу ўринда айтиб ўтиш керак, баъзан муайян бир ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон бир қўшимча белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу асосан Самарқанд ихшидлари, Панч ҳукмдорлари тангаларига хосдир[12].

Ҳар бир ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этиши муайян бир давлатчилик анъанаси билан боғлиқ бўлган. Нафақат воҳа ҳукмдорликлари, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорлик таркибидаги айрим майда ҳокимликлар ҳам ўз тамғаларига эга бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл буюмлар сиртида ҳам ўз аксини топган. Аслида муайян бир тамға бирор ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий

белгига айланган бўлса-да, уларни бирон бир мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Бу ҳолат минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар бўлиб, бир-биридан фарқ қилган. Хусусан, Кушон салтанати ва Қанғ давлати давридаги тамғалар билан илк ўрта асрлардаги тамғалар орасида анча фарқлар бор[13]. Илк ўрта асрларга келиб, воҳалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўзига хос тамғага эга бўлган. Бу даврга хос тамғаларни бирор бир мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиқлироқ[14]. Масалан, VII–VIII асрларда Чоч воҳасида учта бошқарувчи сулола мавжуд бўлиб, улардан ҳар қайсисининг ўз тамғаси мавжуд эди[15]. Улардан қайси бири айнан Чоч ҳукмдорлигининг рамзий белгиси эканлигини аниқлаш қийин. Афтидан ушбу тамғалар сулолага асос солган уруғларга тегишли бўлган.

Уструшона тангаларидаги белги асосан тангаларда учраб, ўзига хослиги билан бошқа ҳукмдорликлар тамғасидан анча ажралиб туради. Маълумки, Турк хоқонлиги даврида Чоч, Фарғона, Панч ва Тўхористон тангаларидаги тамғалар орасида яқин ўхшашлик кўзга ташланса, Уструшона тангаларида эса бунинг тескариси. Таққослаш учун қуйидагича келтирамиз[16]:

1. **Чоч:**   ; хвабу, тегин, элтабар, тудун.
2. **Фарғона:**  (вариантлари: , , ); хоқон, тутук.
3. **Уструшона:** ; MR'Y.
4. **Суғд:**
 - а) **Самарқанд:** ; хоқон, MLK'.
 - б) **Панч:**  (вариантлари , ); MR'Y, хотун.
 - в) **Кеш:** ; ахурпат.
 - г) **Нахшаб:** ; хвабу.
5. **Бухоро:** ; пухар хув қава.
6. **Тўхористон:**
 - а) **Тўхористон ябғулиги:** , (?); ябғу.
 - б) **Чағониён:** (?); хув.
 - в) **Термиз:** .
7. **Хоразм:** , ; MR'Y MLK'.

3. Тадқиқот натижалари:

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг ёзишича, Уструшона ҳукмдорларининг номлари бугунгача ёзма манбаларда деярли етиб келмаган, уларни кўпроқ тангалар орқали билиш мумкин. Шунингдек, ноёб тангалар бизгача ҳукмдорларнинг иконаграфик образларини, ҳукмдор сулолалар тамғаларини етказишган. Дастлабки таниқли афшин ҳукмдорларидан бири Чирдмиш бўлиб, унинг номи “Митрадан тарқалган” маъносини билдирар эди. Ўзи зарб эттирган бронза тангаларда Чирдмиш худди бошқа ҳукмдорлар каби қанотли тож кийган шаклда акс эттирилган. Унинг тангасини ўзига хос жиҳати бошининг буддавий иконаграфикасига хос бурилганроқ шаклда акс эттирилганлигидир. Сатачари III тангаларида эса ҳукмдор боши ўрнига фил расми ва “Жаноб Сатачари” ёзуви акс эттирилган. Ҳиндистоннинг филсифат худоси Ганеша нафақат донишмандлик тимсоли, балки савдо-сотик ҳимоячиси бўлиб ҳисобланган. Уструшона тангалари ўзида учта дин–зардўштийлик, буддизм, христианлик динлари рамзларини акс эттиради[17].

Шу ўринда Уструшона билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган айрим тангаларга ҳам тўхталиб ўтсак. Уструшона ва Суғд чегараларида қўшалок портретли тангалар учраб, тангадаги ҳукмдор ва малика тасвирининг қадимги туркларга хос бўлиб, Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари, Ўтрор, Чағониён (Тўхористон) ва

Бухоронинг қўшалоқ портретли тангалари билан яқин ўхшашликка эгаллиги[18], “хотун” унвони эса хоқонлик бошқарув тизимига алоқадор равишда бир қатор воҳа ҳукмдорликлар бошқарувида учраши[19] каби омиллардан келиб чиқилса “хотун” унвонли тангалар Суғд ёки Уструшона, ё бўлмаса улар орасидаги бирор ҳукмдорликнинг туркий бошқарувчилари томонидан зарб қилинган бўлиб чиқади. Шу ўринда Уструшонада сулола алмашинуви бўлган пайтда танга зарбида ўзгариш бўлгани ёки аксинча экани ҳам ҳалигача аниқланмаганини айтиб ўтиш керак. Ҳолбуки, Турк хоқонлиги даврида Уструшона каби ўз тангаларини бостирган Чоч, Ўтрор, Фарғона, Тўхористон ва яна бир қатор ҳукмдорликлар тангаларида туркий унвон ва тамғалар ўрин олгани, Самарқанд, Нахшаб, Бухоро тангаларида ҳам иконографик жиҳатдан (тасвир, тамға ва б.) туркий элементлар учрай бошлагани маълум[20].

Уструшона тангаларида эса айрим истисноларни ҳисобга олмганда на исм ва унвонларда, на иконографияси қадимги туркий элементлар учрамайди. Тангалардаги Чирдмиш, Раханч ва Сатачари исмларига ўхшаш исмлар ҳам бирор ёзма манба ёки исломдан олдинги Амударё – Сирдарё оралиги воҳаларининг танга-пулларида деярли ўрин олмаган. Фақат улардан биттаси – Сатачари VII – VIII асрларда Чочда зарб қилинган Чоч тудунлари (640-750) сулоласи тангаларидан айрим типларида *stcru* шаклида учраб, тадқиқотчилар фикрича, “устоз, муаллим” маъносидаги санскритча *sadācāriya* сўзга алоқадор бўлиши мумкин[21]. Шу ўринда Уструшона ва Чоч тангаларининг иконографиясида ўхшашлик борлигини айтиб ўтиш керак. Биринчидан, ҳар иккала воҳа тангаларида тўғрига юзланган ҳукмдор икки қанотли бош кийими (тож?) кийган шаклда тасвирланган бўлиб[22], шу жиҳати билан Сосонийлар Эрони тангасидаги тасвирларга ўхшашликка эга бўлса, иккинчидан, айрим тангаларда шаклан бир-бирига ўхшаш, деярли бир хил безатилган тож кийган ҳукмдор тасвирларининг ўрин олишидир[23].

Уструшона ҳукмдорлари савдо соҳасига ҳомийлик қилган. Чунки Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу ҳудудда савдо-тижорат соҳаси мамлакат шаҳарларинининг кескин раванқ топишига туртки берди, маҳаллий савдогарлар бойишига сабаб бўлади. Шаҳарлардаги бозорлар ва савдо расталарига анча узоқ манзиллардан ҳам ҳаридорлар келиб туришган. Афшинлар карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўшинлар салоҳиятига алоҳида эътибор беришган. Уструшона ҳукмдори Чирдмиш номини “... кучли, чин сўзлайдиган, шон-шавкатли, шарафли, яйловлари кенг мўл”[24] маъноларини ифодалайди деб қарайди. Мамлакатда ҳукмдорлар қудратини зарб этирилган тангалар орқали билиш мумкин. Қадимги Уструшона тангалари ўзининг нафислиги, нозиклиги, заргарона безаклари билан алоҳида ажралиб туради. Зарб этилган тангаларда 3 та дин - буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик тимсоллари кўзга ташланади. Бу мамлакатда аҳолининг турли гуруҳлари шу динларга эътиқод қилишганидан дарак беради[25].

Бу вақт оралиғида Ўртаер денгизининг шарқий қирғоқларидан то Хитой ҳудудигача халқаро савдо назорати Суғдий савдогарлари қўлида бўлган ва шу сабабли бутун Ўрта Осиё воҳаларида бўлганидек Фарғона водийсида ҳам Суғд маданияти кенг тарқалган. Унинг таъсири сопол идишлардан тортиб, маҳобатли иншоотлар қурилишигача ва савдо-сотиқнинг пул бирлиги саналмиш жез тангаларнинг кенг муомалага киритилишида акс этган. Ҳолбуки, Уструшонада бўлгани каби Фарғона водийси ҳудудида деярли VI асргача пул муомалада бўлмаган[26] ва савдо-сотиқ мол айирбошлаш асосида амалга оширилган.

Бу давр пул муомаласидаги жез тангаларнинг Ўрта Осиё давлатларида кенг ёйилган нусхаси бевосита Хитой таъсири билан боғлиқ бўлган. Яъни савдо-сотиқ асосан ўртаси тўртбурчак шаклда тешилган жез (бронза) тангалар воситасида олиб борилган. Бу ҳолат асосан Фарғона, қисман Чоч тангаларида, Суғдда эса Самарқанд, Кешда, шунингдек, Бухоронинг айрим тангаларида кўзга ташланиб, улардан фарқли ўлароқ Уструшона тангаларида хитой таъсири кузатилмайди.

Дастлаб хитой тангаларига тақлид этиб тангалар зарб қилинган бўлса, кейинчалик уларда суғдий ёзувда қайси ҳукмдор томонидан қаерда ва қайси вақтда чиқарилгани ҳақида маълумот берилган. Бу ҳолат салкам икки аср мобайнида, то араблар босқини кейинги VIII

асрнинг ўрталарига қадар давом этган ва бутун Ўрта Осиё ҳудудида савдо-сотиқ баробарида хунармандчиликнинг барча соҳаларида ривожланиш юз берган[27].

4. Хулосалар:

- Уструшона ҳудуди қадимдан халқаро тижорат йўллари кесишган ҳудудда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда узоқ ўлкаларга хос ашёлар топилиши ҳам бундан дарак беради. Айниқса, антик даврда Уструшона халқаро савдо-сотиқда муҳим ўрин тутган. Унинг ҳудудида топилган ажнабий танга пуллар Буюк ипак йўли тармоқларидан бири Уструшонадан ўтганлигидан далолат беради. Жумладан, Ширинсойдаги қабристонда олиб борилган қазилар ишлари давомида эрамизнинг I асрига оид хитой тангаси топилган. Ўратепа ҳудудида эса 300 Рим тангасидан иборат хазина аниқланган[28]. Булардан 19 таси сақланган бўлиб, улар эрамизнинг I-II асрларида Рим империясида зарб этилган (Веспасиан – 1 танга, Траяндан Коммонгача – 18 та танга).

- Хуллас, Уструшона тангалари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий муҳити билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўзида акс эттиради. Танга зарби бу ерда нисбатан кеч – илк ўрта асрларда бошланган ва турлари унчалик кўп бўлмаса-да, ўзига хос иконографияси ва бошқа жиҳатлари билан Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликлари тангаларидан бирмунча ажралиб туради. Бу ўзига хослик Уструшона тангаларида маҳаллий анъаналар билан бирга ҳинд маданияти белгиларининг учраши, шу жиҳати билан Чоч тангаларига ўхшашлик борлиги, хитой тангаларига тақлиднинг йўқлиги, тангаларнинг юксак дид билан ясалгани ва ҳоказоларда кўзга ташланади. Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар ҳам ўзига хос бўлиб, айрим ҳолатларни эътиборга олмаганда қўшни ҳукмдорликлари тамгаларидан катта фарқ қилади.

- Уструшона тангалари қўшни айрим жиҳатлари билан Чоч тангаларига ўхшашлик учраб, шу жиҳати билан Суғд ва Фарғона тангаларидан ажралиб туради. Айниқса, Чоч тудунлари сулоласи тангалари билан Уструшона тангалари иконографиясида маълум ўхшашликлар мавжуд. Ҳар иккала воҳа тангаларида тўғрига юзланган ҳукмдор икки қанотли бош кийими (тож?) кийган шаклда тасвирланган бўлиб, шу жиҳати билан Сосонийлар Эрони тангасидаги тасвирларга ўхшашликка эга бўлиши билан бирга айрим тангаларда шаклан бири-бирига ўхшаш, деярли бир хил безатилган тож кийган ҳукмдор тасвирларининг ўрин олгани кўзга ташланади.

Иктибослар/ Сноски/References:

- [1] Смирнова О. И. Первые монеты из Уструшаны // ЭВ, XX, 1972. – С. 59-64. (Smirnova O.I. First coins from Ustrushana // EV, XX, 1972. - pp. 59-64.)
- [2] Ртвеладзе Э. В. Древние монеты Срденей Азии - Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари. – Ташкент, 1987. – С. 192–206. (Rtveladze E. V. Ancient coins of Srednei Asia - Ўрта Osiyoning kadimgi tangalari. - Tashkent, 1987. - S. 192–206.)
- [3] Ртвеладзе Э. В. Древние монеты Срденей Азии - Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари ... Б. 10-19; Зеймаль Е. В. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. – М., 1999. – С. 192–206. (Rtveladze E. V. Ancient coins of Srednei Asia - Ўрта Osiyoning kadimgi tangalari ... Б. 10-19; Zeimal E.V. Coins of early medieval Central Asia // Archeology. Central Asia and the Far East in the Middle Ages. - M., 1999. - P. 192–206.)
- [4] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 32-35, 324-333. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze. - M.: Nauka, 1981. - P. 32-35, 324-333.)
- [5] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 181. (Smirnova O.I. Essays from the history of Sogd. - Moscow: Nauka, 1970. - P. 181.)
- [6] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 359-370. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 359-370.)

- [7] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... -С. 324-335. (Smirnova OI Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze ... –P. 324-335.)
- [8] Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу об употреблении титула MR'Y в Средней Азии в эпоху раннего средневековья // Согдийский сборник. Вып. 2. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолитдин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2015. – С. 89-92. (Babayarov G., Kubatin A. On the use of the title MR'Y in Central Asia in the early Middle Ages // Sogdian collection. Issue 2. The latest research on the history and history of culture of Sogd in Uzbekistan / Under. ed. Sh. Kamoliddin. - Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2015.- P. 89-92).
- [9] Бобоёров Г. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. - Т., 2010. -Б. 18-40. (Boboyorov G '. Information about statehood on the territory of Uzbekistan on early medieval coins // Problems of source studies in the history of Uzbekistan. Т., 2010. -B. 1840 g.)
- [10] (Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М. 1970. – С. 181. (. (Smirnova O.I. Essays from the history of Sogd. - Moscow: Nauka, 1970. - P. 181.)
- [11] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 329-332. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze. - М.: Nauka, 1981. - P. 32-35, 329-332.)
- [12] Гойибов Б. К нумизматический истории Согда // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarqand, 2016. – №4 (98). – Б. 6-11. (Goyibov B. On the numismatic history of Sogd // Ilmiy axborotnoma. Scientific bulletin. - Samarqand, 2016. - No. 4 (98). - P. 6-11.)
- [13] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... С. 538-543; Бабаяров Г., Кубатин А. Некоторые аспекты взаимоотношений между кушанами и древними тюрками в свете нумизматических данных // “Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик”. “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т., 2010. – Б. 64-74. (Smirnova OI Consolidated catalog of Sogdian coins ... S. 538-543; Babayarov G., Kubatin A. Some aspects of the relationship between the Kushans and the ancient Turks in the light of numismatic data // Ethnicity and Culture: Traditions and Modernity. Materials of the V Republican Scientific Conference of Ethnologists from the cycle "Readings of Academician Karim Shoniyozov".. - Т., 2010.- P. 64-74.)
- [14] Бабаяров Г. Тамги на монетах оазисов Средней Азии эпохи раннего средневековья – Babayarov G. Tamgas on early Medieval coins from Central Asian oases / Тамги доисламской Центральной Азии - Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. Samarkand: IICAS, 2019. - С. 333-363. (Babayarov G. Tamgas on early Medieval coins from Central Asian oases / Tamgas of Pre-Islamic Central Asia - Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. Samarkand: IICAS, 2019. - P. 333-363.
- [15] Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1982. – № 8. – С. 31–38. (Rtveladze E. V. Numismatic materials to the history of the early medieval Chach // Social sciences of Uzbekistan. - Tashkent, 1982. - No. 8. - P. 31–38.)
- [16] Бобоёров Г. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар ... - Б. 18-40. (Boboyorov G '. Information about statehood on the territory of Uzbekistan on early medieval coins // Problems of source studies in the history of Uzbekistan. Т., 2010. -P. 1840 g.))
- [17] Қудратов З. Уструшона тангалари // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 250. (Qudratov Z. Ustrushona coins // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in antiquity and the Middle Ages)." - Guliston, 2016. - P. 250.)

- [18] Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации доисламских монет Отрара // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. ЎЗР ФАШИ. – Тошкент, 2014. – Б. 98 – 100. // Babayarov G., Kubatin A. Towards a new interpretation of pre-Islamic coins of Otrar Cooperation between Uzbekistan and the East: history and modernity. Theses of the Republican scientific conference. Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2014. - P. 98 - 100.
- [19] Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: ЎЗР ФАШИ, 2012. – 34-35, 42. (Boboyorov G'. The state system of the Western Turkic Khanate. Abstract of the doctoral dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. - T.: Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2012. –P. 34-35, 42.)
- [20] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 7, 47-48, 50-53, 311-315, 330-341; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Т.: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007. – С. 9-24, 40-45, 52-55. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze. - М.: Nauka, 1981. - P. 7, 47-48, 50-53, 311-315, 330-341; Babayarov G. Ancient Türkic coins of the Chach oasis (VI-VIII centuries). - Т.: Publishing house of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2007. - P. 9-24, 40-45, 52-55.
- [21] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 33, 389-393. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 52-55, 71. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 33, 389-393. Babayarov G. Ancient Turkic coins of the Chach oasis ... - pp. 52-55, 71.)
- [22] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 474; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 65. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 474. Babayarov G. Ancient Turkic coins of the Chach oasis ... - pp. 65.)
- [23] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 474; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 52. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 474. Babayarov G. Ancient Turkic coins of the Chach oasis ... - pp. 65.)
- [24] Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Т.: Академ нашр, 2012. – Б. 6. (Toychiboev B., Kashkirli Q. Zamin's language encyclopedia. - Т.: Akadem edition, 2012. - P. 6.)
- [25] Абдуллаев Т. Уструшона шаҳарсозлик маданияти хусусида мулоҳазалар // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 297. (Abdullaev T. Comments on Ustrushona urban planning culture // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in ancient and medieval times)." - Guliston, 2016. - B. 297.)
- [26] Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. № 25. 1984. –С. 105. (Gorbunova N.G. Some features of the formation of ancient cultures of Fergana // ASGE. No. 25. 1984. –S. 105.)
- [27] Абдуллаев Б. Фарғона водийси антик ва илк ўрта асрлар даврида урбанизация жараёнлари // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 62-63. (Abdullaev B. Urbanization processes in the ancient and early Middle Ages of the Fergana Valley // Proceedings of the Republican

scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in ancient and medieval times)." - Guliston, 2016. - P. 62-63.)

- [28] Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. Предварительное сообщение. – КСИИМК, 1947, XIV. С. 94; Гайдукевич В.Ф. Моги́льник близ Ширин-сая в Узбекистане // СА. 1952. IV, С. 334; Абдияхатов Х. Уструшонанинг антик давр манзилгоҳи - Мунчоктепа хусусида // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 127. (Gaidukevich V.F. Works of the Farhad archaeological expedition of Uzbekistan in 1943-1944 Preliminary announcement. - KSIIMK, 1947, XIV. P. 94; Gaidukevich V.F. Burial ground near Shirin-say in Uzbekistan // SA. 1952. IV, p. 334; Abdiyatov X. About the ancient place of Ustrushna - Munchoktepa // Materials of the Republican scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in ancient and medieval times)." - Guliston, 2016. - P. 127.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000